

Ўзбекистон Республикасида Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)

2026 йил январь ойи

Маълумотлар жадвалига ҳаволалар:

[МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича истеъмол нархлари индекси](#)

[Ўзбекистон Республикаси бўйича барча товар ва хизматлар нархлари индекси, ўтган ойга нисбатан](#)

- I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ
- II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ
- III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ
- IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси
- V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)
- VI. Услубий маълумотлар
- VII. Фойдали ҳаволалар

I. Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма ИНИ

2026 йил январь ойида йиғма ИНИ ойлик кўрсаткичи **100,7 %**, йиллик нисбатда **107,2 %** ни ташкил этди.

[Таққослаш учун:](#) 2025 йил январь ойида йиғма ИНИ ойлик кўрсаткичи **100,7 %**, йиллик нисбатда **109,9 %** ни ташкил этган.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари нархларининг ўзгаришини ҳисобга олмаганда, ойлик ИНИ кўрсаткичи **100,6 %** (2025 йил январь ойида **100,4 %**), йиллик нисбатда **108,1 %** (2025 йил январь ойида **112,0 %**)ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати % да



Қуйида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича 2026 йилнинг январь ойида асосий товарлар ва хизматлар нархларининг ўзгаришлари келтирилган:

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар бўлими

Ой давомида асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан қўй гўшти – **1,6 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+27,2 %**)га, суяксиз мол гўшти – **1,1 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+25,0 %**)га, суякли мол гўшти – **1,0 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+23,8 %**)га, парранда гўшти – **1,4–1,5 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+5,3 %** дан **+5,8 %** гача)га, хом сут – ўртача **1,0 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+6,0 %**)га, тухум – **0,6 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+0,3 %**)га, ўсимлик ёғи – ўртача **0,4 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+12,8 %**)га ва шакарнинг **1,0 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-3,7 %**)га нархлари ўртача ўсиши қайд этилди.



Маълумот учун: 2026 йил январь ойида нархларнинг ўзгариши ҳам импорт, ҳам маҳаллий мол гўштига нисбатан қайд этилди. Республика бўйича мол гўштнинг 1 килограмми ўртача нархи 500-1000 сўм оралиғида ошди.

Ой давомида асосан гуруч – **1,1 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-16,7 %**)га, оқ қанд – **0,4 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-2,3 %**)га пасайиши кузатилди.

Асосий мева-сабзавот маҳсулотларидан булғор қалампири – **18,5 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-11,0 %**)га, банан – **6,3 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-4,1 %**)га, лимон – **4,9 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+90,8 %**)га, карам – **3,8 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+27,9 %**)га, картошка – **1,9 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-15,9 %**)га, сабзи – **1,8 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+9,5 %**)га, пиёз – **1,2 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **-1,9 %**)га нархлари сезиларли ошди. Мандарин – **2,4 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+19,3 %**)га, апельсин – **2,3 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+8,8 %**)га ва помидор нархларининг **2,1 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+1,6 %**)га сезиларли пасайиши кузатилди.

Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари бўлими

2026 йил январь ойида нархларнинг асосий ўсиши кўмирда (бозор нархлари бўйича) – **2,3 %**ни ва ёғоч ёқилғисида эса – **1,7 %**ни ташкил этди. Ушбу товарлар жорий йилнинг январь ойидан бошлаб кузатув учун танланмага киритилди. Бундан ташқари, айрим ҳудудларда маиший чиқиндиларни олиб кетиш, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти тарифлари оширилди. Республика бўйича маиший чиқиндиларни олиб кетиш нархлари ўртача – **0,2 %**га, иссиқлик таъминоти – **0,3 %**га, иссиқ сув таъминоти – **0,9 %** қимматлашди. Ой давомида турар жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун материаллар нархларининг ўсиши **0,5 %**дан ошмади.

Соғлиқни сақлаш хизматлари бўлими

Соғлиқни сақлаш соҳасида ой давомида диагностика визуализация хизматлари **1,5 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **9,4 %**)га, амбулатор даволаш ва реабилитация хизматлари **1,0 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **8,8 %**)га, даволовчи массаж хизматлари **0,7 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **5,3 %**)га, стоматология хизматлари **0,7 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **4,7 %**)га, стационар даволаш ва реабилитация хизматлари **0,7 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **6,7 %**)га, тиббий лаборатория хизматлари **0,7 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **9,0 %**)га қимматлашди.

Транспорт бўлими

Ой давомида бензин учун ИНИ ўсиши **0,6 %**ни ташкил қилди, шу жумладан, АИ-92 – **0,6 %**га, АИ-95 – **0,4 %**га, АИ-98 ва АИ-100 – **0,3 %**га ошди.

Пропаннинг нархи ой давомида **8,9 %** (2025 йил январига нисбатан **12,3 %**)га ошиб, литрининг юқори нарх чегараси 8 500 сўмни ташкил этди.

2026 йил январь ойида метан нархи сезиларли ўзгармади (**+0,1 %**), бироқ 2025 йил бошига нисбатан **30,2 %**га юқори даражада сақланиб қолди.

2026 йил январидан бошлаб ҳайдовчиликка тайёрлаш бўйича курслар, ҳайдовчилик дарслари, имтиҳонлари ва гувоҳномасини олиш нархлари ўртача **5,0 %**га қимматлашди. Бу назарий ва амалий имтиҳонларни топшириш қиймати ошгани ҳисобига юз берди.

Ой давомида узоқ масофага қатнайдиغان поездларда йўловчи ташиш хизматларининг нархи **0,5 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+8,6 %**)га, авиақатновлар эса ўртача **5,0 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+17,1 %**)га пасайиши қайд этилди. Бу нархларнинг пасайиши миллий валютанинг мустаҳкамланиши ҳамда айрим кузатилаётган йўналишлардаги тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Ахборот ва алоқа бўлими

2026 йил январь ойида мобил алоқа хизматлари ўртача **2,4 %**га қимматлашди (2025 йил январь ойига нисбатан **+17,9 %**). Шу билан бирга, стриминг хизматлари (бир ойда **-0,2 %**), мессенжерлар ва сунъий интеллект хизматларига пуллик обуна нархларининг пасайиши (бир ойда **-0,8 %**) қайд этилди.

Таълим соҳасидаги хизматлар бўлими

Таълим соҳасидаги хизматлар нархларида ой давомида сезиларли даражада ўзгариш кузатилмади. Фақатгина хусусий болалар боғчалари хизматларида – **0,2 %** (2025 йил январь ойига нисбатан **+4,2 %**)га ҳамда тил курслари ва репетиторлик хизматлари – **0,3 %** (2025 йил январь ойига нисбатан ўртача **+5,4 %**)га нарх ошиши кузатилди.

Суғурталаш ва молиявий хизматлар бўлими

Узоқ муддатли барқарорликдан сўнг, 2026 йил январь ойдан бошлаб суғурта хизматлари нархларининг ошиши қайд этилди. Шахсий транспорт воситаларини суғурта қилиш хизматлари учун ИНИ ой давомида республика бўйича ўртача **381,8 %**ни ташкил этди. Бундай ўсиш ҳисобига ИНИни ҳисоблаш учун товарлар ва хизматлар тўпламидаги салмоқни ҳисобга олган ҳолда, йиғма ИНИ бир ойда **0,11 ф.д.**га ошди.

Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар бўлими

Бўлимдаги товарлар ва хизматлар учун қисқа муддатли ИНИ диапазони **99,4 %** (аёллар учун гигиена воситалари)дан **107,0 %** (қимматбаҳо металллардан ясалган никоҳ узуклари)гачани ташкил этди. Йиллик ИНИ бўйича кўрсаткичлар чегараси **101,3 %** (болалар тагликлари) – **132,6 %** (қимматбаҳо металллардан ясалган никоҳ узуклари)ни ташкил этди.

Бошқа бўлимларда товар ва хизмат нархлари ўзгариши таъсири юқори бўлмади ёки йиғма кўрсаткичга сезиларли даражада таъсир қилмади.

2026 йилнинг январь ойида МИИТ – 2018 бўлимлари бўйича ИНИ, % да

Бўлим номи		2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг январига нисбатан
I.	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	100,8	105,4
II.	Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,4	106,0
III.	Кийимлар ва пойабзаллар	100,2	102,5
IV.	Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,2	117,0
V.	Уй-рўзғор асбоблари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,4	102,2
VI.	Соғлиқни сақлаш	100,5	105,2
VII.	Транспорт	100,3	112,1
VIII.	Ахборот ва алоқа	101,1	110,1
IX.	Дам олиш, спорт ва маданият	100,5	105,4
X.	Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1	101,6
XI.	Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,7	108,4
XII.	Суғурталаш ва молиявий хизматлар	140,8	140,0
XIII.	Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	101,1	108,1

II. Ҳудудлар кесимида йиғма ИНИ

Ҳудудлар кесимида қисқа муддатли ва йиллик ИНИ бўйича ўртача республика кўрсаткичидан катта фарқ қайд этилмади.

2026 йилнинг январь ойида ҳудудлар бўйича ИНИ, % да

Ҳудудлар	2025 йилнинг декабрига нисбатан	2025 йилнинг январига нисбатан
Қорақалпоғистон Республикаси	100,7	107,5
вилоятлар:		
Андижон	100,7	107,2
Бухоро	100,7	107,5
Жиззах	100,6	106,7
Қашқадарё	100,7	107,0
Навоий	100,6	107,0
Наманган	100,7	107,4
Самарқанд	100,7	107,2
Сурхондарё	100,6	107,4
Сирдарё	100,6	107,3
Тошкент	100,7	106,8
Фарғона	100,7	107,7
Хоразм	100,6	107,5
Тошкент ш.	100,7	107,2

III. Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий гуруҳлардаги ИНИ

2026 йилнинг январь ойида товарларга қисқа муддатли ИНИ **100,6 %** (2025 йил январь ойида **100,6 %**)ни ва йиллик нисбатда **105,4 %** (2025 йил январидида **104,7 %**)ни ташкил этди.


Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ИНИ **100,8 %** (2025 йил январь ойида **100,8 %**)ни ва йиллик нисбатда **105,5 %** (2025 йилнинг январидида **102,6 %**)ни ташкил этди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлар бўйича ИНИ **100,4 %** (2025 йил январь ойида **100,3 %**)ни, йиллик нисбатда **105,2 %** (2025 йилнинг январидида **107,7 %**)ни ташкил этди.


Хизматлар бўйича ойлик кўрсаткич **100,8 %** (2025 йил январь ойида **101,1 %**)ни, йиллик нисбатда **113,5 %** (2025 йилнинг январидида **127,0 %**)ни ташкил этди.

Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати % да

Ўтган ойга нисбатан



Асосий гуруҳлар бўйича ИНИ динамикаси, ўсиш (пасайиш) суръати % да




IV. Йиғма ИНИ ўзгаришига МИИТ – 2018 бўлимларининг таъсир тузилмаси

2026 йилнинг январь ойидаги қисқа муддатли йиғма кўрсаткичга “Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар” юқори таъсир кўрсатиб, ИНИ кўрсаткичини **0,32 ф.д.**га (умумий ўсишнинг **47,8 %** и) оширди. “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”, “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” бўлимларидаги нарх ўзгаришлари ойлик йиғма кўрсаткични жами ҳисобда **0,18 ф.д.**га оширди. Қолган бўлимларида нархларнинг ошиши йиғма кўрсаткични яна **0,17 ф.д.**га оширди.

МИИТ – 2018 бўлимларининг 2026 йил январь ойида йиғма ИНИ ўзгаришига таъсири, ф.д.

ўтган ойга нисбатан



Жами таъсири

+0,67 ф.д.

2026 йил январь ойида йиллик йиғма ИНИ ўсишига “Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар”, “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари” бўлимларидаги нархлар ва тарифлардаги ўзгаришлар энг катта ҳисса қўшди. Ушбу бўлимларнинг умумий ҳиссаси **4,05 ф.д.**га етди (умумий ўсишнинг ярмидан ортиқ). Бошқа бўлимларнинг таъсири анча кам бўлди.

V. Геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ (таҳлилий мақсадлар учун)

2026 йил январь ойидан бошлаб Миллий статистика қўмитаси геометрик Янг формуласи асосида қўшимча ИНИни шакллантиради. **Мазкур индекс фақат таҳлилий мақсадларда қўлланилади ва юқорида эълон қилинган асосий ИНИнинг ўрнини босмайди ёки унга муқобил ҳисобланмайди** (батафсил маълумот “Услубий тушунтиришлар” бўлимнинг VI бандида келтирилган).

2026 йил январь ойида геометрик Янг формуласи бўйича ойлик ИНИ **100,6** %ни ташкил этди.

Қуйида ЎЗР МИИТ-2018 бўлимлари кесимида геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ келтирилган.

2026 йил январь ойи учун геометрик Янг формуласи бўйича ИНИ, %да (ТАҲЛИЛИЙ МАҚСАДЛАР УЧУН)

Бўлим номи	2025 йилнинг декабрига нисбатан
I. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва спиртсиз ичимликлар	100,8
II. Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари	100,3
III. Кийимлар ва пойабзаллар	100,1
IV. Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари	100,2
V. Уй-рўзғор буюмлари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш	100,4
VI. Соғлиқни сақлаш	100,5
VII. Транспорт	100,3
VIII. Ахборот ва алоқа	101,1
IX. Дам олиш, спорт ва маданият	100,5
X. Таълим соҳасидаги хизматлар	100,1
XI. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари	100,7
XII. Суғурталаш ва молиявий хизматлар	121,3
XIII. Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар	101,0

VI. Услубий маълумотлар

2026 йил январь ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси халқаро стандартлар ва тавсиялар ҳамда ХВЖнинг эксперт кўмагини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган истеъмол нархлари индекслари (ИНИ)ни ҳисоблашнинг янгиланган методологиясини жорий этди.

2026 йил январь ойидан кучга кирадиган асосий методологик ўзгаришлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. **Маълумотлар манбаларини кенгайтириш.** Янгиланган методология истеъмол секторида нархларни мониторинг қилиш учун қуйидаги усул ва манбалардан фойдаланишни назарда тутди:

- (1) СAPI¹ технологиясига асосланган маълумотлар (чакана савдо дўконларига ташриф буюриб нархларни рўйхатдан ўтказиш);
- (2) маъмурий транзакцион маълумотлар (солиқ органлари маълумотлар базасидан онлайн-касса машиналари чек маълумотлари);
- (3) eStat² тизими орқали хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ва чакана сотувчилардан олинган маълумотлар (API³ /Excel форматида);
- (4) web scraping⁴ технологиясига асосланган ва турли хил онлайн манбалар (веб-сайт маълумотлари) дан олинган нархлар;
- (5) СAPI⁵ технологиясига асосланган маълумотлар (телефон орқали сўровномалар).

Методология шунингдек, турли хил йиғиш частоталарига эга манбалардан олинган маълумотларни бирлаштириш тартибини ҳам ўз ичига олади (икки босқичли геометрик ўртача ҳисоблаш: биринчи босқичда маълумотлар манба бўйича, иккинчи босқичда эса умумий позиция бўйича ўртача ҳисобланади).

2. **Истеъмол нархлари маълумотларини тўплаш муддатини** аввал қўлланилган **11 кунлик** даврдан **25 кунлик** даврга (ойнинг **1-кунидан 25-кунига** қадар) узайтирилди, бу ой давомидаги нархлар ўзгаришини тўлиқ қамраб олиш имконини беради.

Ҳар бир маълумот манбаси учун ўзига хос нархларни йиғиш жадвали мавжуд.

Хусусан:

– онлайн-касса машиналари чек маълумотлари ҳар ойнинг **дастлабки 25 кун**и давомида қайд этилади;

– регистраторлар томонидан СAPI технологияси асосида нархлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш қуйидагича амалга оширилади: ойнинг **1-кунидан 7-кунигача** хизматлар соҳаси бўйича, **8-кунидан 14-кунигача** ноозиқ-овқат товарлари ва **15-кунидан 25-кунигача** озиқ-овқат товарлари кузатилади. Агар ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар (масалан, коммунал хизматлар, таълим соҳасидаги хизматлар) нархларининг ўзгариши хизматлар учун нархларни йиғишнинг кўрсатилган даври тугаганидан сўнг (7 санадан кейин) содир бўлса, тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар эълон қилинган пайтда қўшимча рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади;

– ижтимоий аҳамиятга эга бўлган **30 турдаги**⁶ товар ва хизматлар (масалан, бензин, ун, 1-навли ундан тайёрланган нон, гуруч, ўсимлик ёғи, гўшт, тухум ва бошқалар) нархлари СAPI технологияси усулида **ҳар ҳафта** қайд этилиб, ойлик ИНИни баҳолаш учун қўлланилади;

– **web scraping** технологияси бўйича маълумотлар нархларнинг ўзгариш частотаси ҳамда мунтазам равишда тўплашнинг техник имкониятларига қараб алоҳида жадвал асосида йиғилади;

– қолган манбалар бўйича нархлар рўйхатдан ўтказишлар ўртасидаги интервал бир календар ой бўлишини таъминлаган ҳолда бир ойда бир марта қайд этилади.

3. **Истеъмол нархларини кузатиш учун мўлжалланган товарлар ва хизматлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилди.** Товар ва хизматлар тўпламини қайта кўриб чиқиш ИНИни ҳисоблашда уй ҳўжаликларининг ҳақиқий истеъмол харажатлари тузилмасини акс эттиришга имкон беради.

2026 йил январь ойдан бошлаб ойлик ИНИ **517 та** (2025 йилда **510 та**) товар ва хизматларга асосланган ҳолда амалга ошириладиган бўлди.

2025 йилги истеъмол бозори ва истеъмол харажатлари таркибини таҳлил қилиш асосида тўпламга ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, айрим хизматлардан фойдаланишнинг кенгайишини ҳисобга олган ҳолда, нодавлат мактабларда таълим олиш, стриминг хизматлари, автомобил ижараси, алоқа

ва ахборот соҳасидаги бошқа хизматлар (мессенжерлар ва сунъий интеллект хизматлари учун пуллик обуналар), электр самокатлар ижараси, электромобиллар учун электр энергиясидан фойдаланиш каби позициялар қўшилди.

Бундан ташқари, рўйхатга илгари қамраб олинмаган қуйидаги позициялар: ишлатилган автомобилларни сотиб олиш, аквапарк хизматлари, қум, хурмо, крем ва пойабзал тозалаш учун бошқа воситалар, асосий давлат хизматлари учун тўловлар, идиш ювиш воситалари, ёғоч ёқилғиси (ўтин ва ғўзапоя), автомобил ва мотоцикл ғилофлари, фотография, мусиқа, рақс ва санъат таълими хизматлари, дезинфекцияловчи воситалар, мебел, уй-рўзғор буюмлари ва тукли гиламлар ижараси (тўй ва турли тадбирларни ўтказиш учун) рўйхатга киритилди.

Нарх ўзгаришларини аниқроқ акс эттириш мақсадида бензин (АИ-92, АИ-95, АИ-98 ва АИ-100 маркалари бўйича) ва тошкўмир (нарх турларига кўра: тартибга солинадиган ва бозор нархлари асосида) каби позициялар ажратиб кўрсатилди.

Шунингдек, аввал кузатилган, ҳайдовчиларни тайёрлаш билан боғлиқ хизматлар рўйхати якка ҳолда автомобил бошқариш дарслари, ҳайдовчилик бўйича имтиҳон топшириш ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш хизматларини киритиш ҳисобига кенгайтирилди.

Умуман олганда, 2026 йилдан бошлаб товар ва хизматларнинг **23 та позицияси қўшилди.**

Шу билан бирга, долзарблигини йўқотган ва вакиллик мезонига мос келмайдиган (аҳоли томонидан уларни сотиб олиш харажатлари улуши 0,01 фоиздан кам бўлган) **16 та товар ва хизмат позициялари чиқариб ташланди.** Улар орасида қуйидагилар бор: кулчалар, чўчқа гўшти ва чўчқа ёғи, лавр япроғи ва кашнич уруғи, аёллар пўстинлари ва ярим пўстинлари, аёллар мўйнали қалпоқлари, тўқиш учун ип, игналар, тўғнағичлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, тиббий ниқоблар ва қўлқоплар, стационар телефонлар, ойлик журналлар, эркаклар, аёллар ва болалар ички кийимлари тўпламлари (рўйхатда тегишли алоҳида позициялар – майкалар ва трусиклар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда), шунингдек, маиший техника ижараси.

4. 2026 йил январидан бошлаб нарх **индексларини ҳисоблаш формуласига ўзгартириш киритилмоқда.** Илгари қўлланилган Ласпейрес (Лоу) модификацияланган формуласи ўрнига, арифметик Янг модификацияланган формуласи бўйича ҳисоблаш жорий этилди. Ушбу формуладан фойдаланиш ХВЖ экспертлари томонидан қисқа муддатли истиқболда тавсия этилган ва “Истеъмол нархлари индекслари бўйича қўлланма: тушунчалар ва усуллар”да баён қилинган (ХВЖ, ХМТ, Евростат, БМТ ЕИК, ИХТТ ва ЖБ, 2020). Модификацияланган арифметик Янг формуласи қўлланилиши аҳолининг истеъмол харажатлари бўйича маълумотлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконини беради ва олдинги йил нархлари асосида вазнларни янгилаш учун қўшимча коэффицент қўллашни талаб этмайди.

5. Таҳлилий мақсадлар ва республикадаги инфляцион жараёнларни комплекс баҳолаш учун 2026 йил январдан бошлаб **геометрик Янг формуласининг муқобил вариантдан фойдаланиб, қўшимча нарх индексини шакллантириш бошланди.** Ушбу ҳисоб-китоблар натижалари доимо “Таҳлилий мақсадлар учун” деган белги билан эълон қилиб борилади.

Модификацияланган арифметик Янг формуласи асосида шаклланган ИНИ истеъмол секторидаги инфляциянинг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Геометрик Янг формуласи бўйича ҳисобланган ИНИ эса таҳлил мақсадлари учун қўшимча кўрсаткич сифатида қўлланилади.

Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари томонидан ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига геометрик Янг формуласини жорий этиш тавсия этилган.

6. **Маълумотларни эълон қилиш муддатлари ўзгартирилди.** 2026 йилдан бошлаб ИНИ бўйича маълумотлар (пресс-релиз ва жадваллар кўринишида, расмий веб-сайт stat.uz ҳамда “Статистика” интеграциялашган ахборот тизими siat.stat.uz орқали) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5 кунини эълон қилинади. Бу нархлар бўйича маълумот тўплаш муддатининг узайтирилиши ва нарх кузатувлари қамровининг кенгайиши натижасида юзага келган қўшимча юклама билан боғлиқ. Умумий маълумотларни тарқатишнинг такомиллаштирилган тизими (Enhanced General Data Dissemination System – e-GDDS⁷) иштирокчилари ва фойдаланувчилари учун қўлланманинг 2.7-бандига мувофиқ, иштирокчи давлатларга ИНИ ҳисобот ойдан кейинги икки ой ичида ҳар ойлик асосда эълон қилиш тавсия этилади. Мамлакатимиз e-GDDS иштирокчиси сифатида маълумотларни эълон қилиш муддатларини белгилашда ушбу тавсияни инобатга олади.

Барча янгиликлар мамлакатимиздаги нархлар статистикаси тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси халқаро экспертлар билан яқин ҳамкорликда нархлар статистикаси кўрсаткичлари методологиясини такомиллаштириш ишларини давом эттиради. Якуний мақсад – расмий маълумотлар сифати ва ишончилигини ошириш.

VII. Фойдали ҳаволалар

[Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари \(тарифлари\) кузатувини ташкил этиш](#)

[ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи \(ЎР МИИТ – 2018\)](#)

[Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: концепция ва услубият \(2020\)](#)

Чоп этиш учун масъул:
Нархлар статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел: +99871 203-80-00 (1100, 1101)



¹ CAPI (Computer Assisted Personal Interviewing) – нархлар статистикасида бу маълумот тўплаш усули бўлиб, унда регистраторлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига бевосита бориб, нархларни қоғоз анкета ўрнига планшет орқали қайд этадилар.

² Ўзбекистонда статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғишга мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот тизими.

³ API (Application Programming Interface) – бу турли дастурлар ўзаро мулоқот қилиши ва маълумот алмашишига имкон берувчи дастурий интерфейс, қоидалар, буйруқлар ва воситалар мажмуасидир.

⁴ Веб-ресурс саҳифаларидан маълумотларни автоматик равишда қирқиб олиш технологияси.

⁵ CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) – бу компьютер ёрдамида телефон орқали интервью ўтказишга асосланган маълумот тўплаш усули.

⁶ Тўлиқ рўйхат истеъмол нархлари индексларини шакллантириш бўйича Услубий қоидалар иловасида келтирилган.

⁷ https://dsbb.imf.org/content/pdfs/eGDDS_Guide_for_Participants_and_Users.pdf («The e-GDDS encourages participants to disseminate consumer price indices on a monthly basis within two months after the reference month»).